

АДАБИЙ ТАЪСИР САМАРАЛАРИ

Эргаш Очилов,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Резюме. Мақолада Алишер Навоий меросининг Нодира ижодига таъсирининг айрим қирралари издош шоирнинг устоз шоир ғазалларига татаббулари, мухаммаси, навоиёна услубдаги ғазаллари, унинг тасвир ва ташбеҳларини давом эттириши ва янги қирраларини очиши таҳлили мисолида ёритилади.

Калим сўзлар: анъана, адабий таъсир, ўзига хослик, ғазал, мухаммас, татаббу, байт, мисра, тасвир, ташбеҳ, маҳорат.

Resume. The article discusses some aspects of the impact of Alisher Navoi's legacy on the work of Nodira on the example of the follower's tatabbus to the master's poems, muhammas, Navoi-style ghazals, the continuation of his images and metaphors and the discovery of new aspects.

Key words: tradition, literary influence, originality, ghazal, muhammas, tatabbu, byte, verse, image, allegory, mastery.

Кўкон адабий муҳити Алишер Навоийга гўё иккинчи ҳаёт бахш этди. Чунки бу адабий муҳитда ғазал мулкининг султони асарларини кўчириш, ғазалларига татаббу қилиш ва тахмис боғлаш ўзининг авж нуқтасига етди. Бу адабий муҳитдан Навойдан таъсирланмаган ва илҳомланмаган, ижод йўлида ўзига уни йўлчи юлдуз деб билмаган шоирнинг ўзи йўк. Ҳассос шоира Нодира учун ҳам Навоий ижод йўлидаги маънавий раҳнамо эди. У сўз салтанати султонининг “айлаб”, “айлагач”, “оқибат”, “субҳ”, “шайх”, “қилди ёр”, “ихтисос”, “эт”, “этгудек”, “айт”, “айларам”, “ўлмасун”, “келмади”, “тут”, “тутай”, “халос”, “этти фироқ”, “ҳам”, “бахс” радифли кўплаб ғазалларига татаббу қилган, “Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум” мисраси билан бошланадиган ғазалига тахмис боғлаган, навоиёна услубда талай шеърлар битган, ўз манзумаларида устоз шоирнинг фикрларини ривожлантириб, ташбеҳларининг янги қирраларини очган.

Зулфия Ҳамид Олимжондан ёш ажралганида улуғ рус шоири Пушкиннинг ўша пайтдаги кайфиятига ҳамоҳанг бўлган ҳажрон мавзуидаги шеърларини ёниб-куйиб таржима қилганидек, суюкли ёри Амир Умархондан эрта жудо бўлган Нодира ҳам асосан Навоийнинг айрилиқ мавзуидаги ғазалларига татаббу қилади, тахмис боғлайди. Жумладан, мухаммасида шундай мисраларни ўқиймиз:

*Видоъингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,
Фалак сақфи қорарди дуди оҳимни мидодидин,*

*Жаҳон зулматсаройи дуди оҳим имтидодидин,
Нишондур тийра бўлгон ахтари бахтим саводидин,
Туганларким, фироқинг ўтидин гам шоми куйдурдум [3,308].*

Ўтмиш сўз санъати матнлари қадим туркий, арабий, форсий сўз ва ибораларга бой бўлиб, ҳозирги ўқувчи уларни тушунишга қийналади. Келтирилган бандда ана шундай тушунарсиз сўзларнинг бутун бир силсиласига дуч келамиз: **Х а й р б о д** – хайрлашиш, узоқлашиш. **С а қ ф** – том, шифт. **Д у д и о ҳ** – оҳ тутуни. **М и д о д** – сиёҳ, қоралик. **З у л м а т с а р о й** – қоронғи сарой, мажозан: дунё. **И м т и д о д** – узунлик, тортишиш; чўзилиш, узайиш, давомли бўлиш. **Т и й р а** – қора, қоронғи, хира, нурсиз; қайғули, ғам-ғуссали. **А х т а р** – юлдуз. **С а в о д** – қора, қоралик; қоронғилик, зулмат. **Т у г а н** – доғ, из, яра ва жароҳатнинг доғи.

Навоий айтадики: “Ғам тунида фироғинг ўтидан куйиб пайдо бўлган доғлар хира тортган бахтим юлдузининг қоралигидан нишондир”. Нодира томонидан қўшилган мисралар эса ана шу қайғули ҳолатнинг ўзига хос изоҳи бўлиб хизмат қилади: “Сен билан видолашаётган пайтда бир умрга хайрлашиш алаmidан жоним куйди. Оҳим тутунининг қорасидан ҳатто фалак томи хира тортди. Менинг охири кўринмайдиган муттасил оҳим тутунидан жаҳон ҳам қора зулмат ичида қолди”.

Кўришиб турганидай, Навоийнинг айрилиқ алами мавзуидаги байти Нодиранинг ҳаёт ҳамроҳидан ажралганлиги ўз ифодасини топган мунгли мисралари билан қўшилиб, ҳижрон ғами тасвирига бағишланган қайғули бир бандга айланган.

Ғазал ва тахмис мисралари бир ипга тизилган марварид шодаси каби бўлиши керак. Бошқача айтганда, мухаммасда ғазал байти бир ёқда, унга илова қилинган тахмис мисралари бошқа ёқда қолиб кетмаслиги керак, билъакс улар ўзаро боғлиқ аъзолар каби яхлит бир вужудга айланиши тақозо қилинади. Сув ва ёғдай бир-биридан ажралиб турса, ёки чиройли кўйлақка қўйилган чипта ямоққа ўхшаб қолса, уни мухаммас деб бўлмайди.

Мухаммаснинг талаби шундайки, қўшилган мисралар ғазал байтлари билан икки кокил бирлашиб, ягона соч ўримига айлангандай, яхлит бир бутунликни ҳосил қилиши керак.

Ғазал байти ва тахмис мисралари юлдузи юлдузига тўғри келган жуфтликдай ўзаро боғланиб кетиши лозим.

Мухаммас шундай бир биноки, ғазал унинг пойдевори бўлса, тахмис мисралари унинг остидан терилган ғиштлар бўлиб, уни янада юксалтириб туриши керак.

Алишер Навоийнинг рамали мусаммани максур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган 7 байтли “ёр” радифли ғазали мавжуд:

*Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр [1,1,206].*

Нодира унга айна вазни “қилди ёр” радифи билан татаббу қилади. Аслида бу ибора Навоий ғазалининг илк мисрасида мавжуд. Татаббу ҳам 7 байт ҳажмида:

*Войким, ўз ёридин қатъи муҳаббат қилди ёр,
Бир йўли тарки вафо бирла мурувват қилди ёр [3,134].*

Радиф янгилангани, қофия тизими ўзгарганининг ўзи татаббунинг ўзига хос оҳоридан дарак беради. Айна пайтда мавзу талқинида бошқа ўзаро ўхшашликларни кўрмаймиз. Бу ҳол халаф шоирнинг салаф шоир таъсирида, унинг ғазалидан илҳомланиб янги ғазал ижод қилганлигидан далолат беради.

Нодира Навоийнинг машҳур “Шитоб айлаб” ғазалига ҳам гўзал татаббу қилади:

Навоий:

*Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб [1,4,64].*

Нодира:

*Ғазаб бирла нигорим ўтти ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдирди мени ҳажри азоб айлаб [3,57].*

Ҳар иккала ғазал ҳам ҳазажи мусаммани солим (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун) вазнида, ҳар иккала ғазал ҳам 9 байтдан. Радиф айнан: “айлаб”. Қофия тизими ҳам айнан бўлишига қарамай, қофия бўлиб келган сўзларда тафовутлар бор. Навоийда: “шитоб”, “гулоб”, “таноб”, “изтироб”, “хушоб”, “жавоб”, “итоб”, “ҳижоб”, “хароб”, “хоб”, Нодирада: “шитоб”, “азоб”, “хароб”, “кабоб”, “офтоб”, “эхтисоб”, “ҳисоб”, “шароб”, “интихоб”, “олижаноб”. Ғазалда қофия бўлиб келган 10 та сўздан иккитасигина татаббуда такрорланади: “шитоб”, “хароб”. Шунинг ўзи ҳам Нодиранинг Навоий таъсирида ўзига хос оҳорли ғазал яратганлигини кўрсатиб турибди.

Навоий ғазали муайян сюжет асосига қурилган бўлиб, у висол васфида. Нодира ғазали эса ҳижрон мавзуида. Буни қуйидаги байтлар қиёсида ҳам кўриш мумкин:

Навоий:

*Аниким, элткай васл уйқуси шират туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Нодира:

*Кўнгул шодон эрди журъаи жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтига кетти бағримни кабоб айлаб.*

Умуман, Нодира Амирий ҳаётлигидаёқ унинг раҳнамолигида шеър машқ қила бошлаган бўлса ҳам, асарларининг аксари кўнгли соҳибининг вафотидан кейин ижод қилинган. Маълумки, Нодира 30 ёшларида Амир Умархондан ажралиб, бева қолади. Шунинг учун ҳам унинг кейинги йигирма йиллик ижодида айрилиқ оҳанглари, жудолик ҳасратлари муҳим ўрин тутди. Бу ҳақда унинг ўзи девони дебочасида шундай ёзади: “Ва ҳар гоҳки фироқ шиддати ғалаба қилур эрди, марсия ва фироқнома хаёл қилиб, мазмунида дилхарош ғазаллар иншо қилур эрдим. Ва кўнгул иштиёқиға анинг бирла таскин берур эрдим. Нечукким ул ҳазрат мутобаатлари бирла ашъор қоидасидин андакки бохабар бўлиб эрдим, фурқат айёмида ҳам хаёли базмида висолин маҳфилини тасаввур қилиб, ёди бирла ҳасби ҳол айтишур эрдим” [3,23]. Айни жиҳатдан олганда, Нодира ижодининг толмас тадқиқотчиси, таниқли олима Маҳбуба Қодирова таъбири билан айтганда, шоиранинг жудолик мавзуидаги “турли жанрдаги шеърлари ўзига хос бир туркумни ташкил этади ва уларни фироқномалар деб аташ мумкин...” [5,180–181].

Нодира татаббулари учун хос хусусият шундан иборатки, у асосан ўзи таъсирланган ғазалнинг ҳажмини сақлаб қолади.

Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонида 9 байтли, “Бадоеъ ул-васат” девонида эса 7 байтли “оқибат” радибли ғазаллар мавжуд. Кузатишлар Нодира илк ғазалга татаббу ўлароқ 9 байтли ғазал битганини кўрсатади. Навоий ғазали шикоят оҳанги билан бошланиб, тасаввуфдан нажот излаш билан хулосаланса, Нодира ғазали одатдагидай ҳаёт ҳамроҳидан жудолик мавзуида. Вазн, қофия ва радиф сақланса-да, мавзунинг янгилиги ва ҳаётийлигини кўрамаиз. Албатта, икки ғазалнинг қиёсий таҳлили уларда муайян муштарак нуқталар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Жумладан:

Навоий:

*Ёшуруб эрдим бағир чокини, ваҳким, қилди фош
Ҳар тараф кўздин тараишуҳ айлаган қон оқибат.*

*Тиғи ҳажрингдин ниҳон кўксум шигофин, оҳким,
Элга равшан айлади чоки гирибон оқибат [1,2,77].*

Нодира:

*Қилди чоки пираҳан доғи дилимни ошкор,
Қолмади кўнглумда захми ишқ пинҳон оқибат...*

*Орзу қилдим тутарман деб висоли доманин,
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат [3,71].*

Навоий: “Бағримнинг чокини элдан яширган эдим, эй воҳким, кўзимдан ҳар тараф оққан ёшлар оқибат уни фош қилиб қўйди. Ҳажринг тиғидан кўксимдаги яширин жароҳатни ёқамнинг чоки оқибат халққа маълум қилди”, – деб ёзса, Нодирада ўқиймиз: “Кўйлагимнинг чоки дилимнинг доғини барчага ошкор қилиб қўйди – оқибат кўнглимдаги ишқ яраси яширин қолмади... Висоли этагини тутаман деб орзу қилган эдим – оқибат ҳажр дастида ёқам чок бўлди”.

Ҳар икки ғазалда ҳам кўнгилдаги ишқ қўйган жароҳатни оқибат ёқанинг чоки элга фош қилганлиги ҳақида сўз юритилади. Бу аслида Шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган анъанавий ташбеҳ.

Навоийнинг “айлагач” радифли учта ғазали бор, Нодиранинг иккита. Жумладан, шоира салафининг машҳур “Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач” мисраси билан бошланадиган рамали мусаммани мақсур вазнидаги 7 байтли ғазалига айни вазн, қофия ва радифда ўша ҳажмда татаббу қилади:

Навоий:

*Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач [1,1,103].*

Шам шундай ҳам ёниб, ёруғлик таратади, лекин торларини ёзиб юборса, унинг ёниш доираси кенгайиб, ёруғлиги кучаяди ва кенгроқ масофани ёритади.

Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шундай ҳам ҳуснига ҳусн кўшади, шундай ҳам ундан муаттар ҳид таралади, лекин уни ёзиб юборса, ҳам ҳиди гуркираб кетади, ҳам чиройини янада очади ва ошиқлари сафи янада кўпаяди.

Нодира:

*Тийрадилман шона зулфунгни паришон айлагач,
Субҳи айшим шоми ғамдур чеҳра пинҳон айлагач [3,97].*

“Тароқ сочингни тараб ёзиб ташлар экан, бундан менинг кўнглимга ғашлик чўкади, чунки ёр юзини яширгач, айшим тонги ғам шомига айланди”.

Бу ғазал ҳам аслида айрилик мавзуида. Маъшуқа сочини ёзса, у юзини тўсади. Тароқнинг сочни ёзишидан ошиқ кўнглининг ғаш бўлиши шундан.

Нодира Навоийнинг рамали мусаммани мақсур вазнидаги 7 байтли “айларам” радифли ғазалига ҳам бетакрор татаббу қилади. Жумладан, татаббунинг мана бу байтида бевосита навоиёна оҳангни дарк этамиз:

*Тоғни бир оҳ ила ҳомунда айлаб устувор,
Ишқ саҳросидаги Мажнунни Фарҳод айларам [3,250].*

Алишер Навоийнинг ўнлаб байту мисраларида дарди тоғни саҳрою, саҳрони денгизга айлантириши ҳақидаги муболағалар бир-бирини тўлдирган, ривожлантирган, янги қирраларини очган ва изоҳлаган тарзда намоён бўлганини кўрамиз:

Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим [1,4,81].

Ёки:

*Ғамим хайли туз этти тоғни, тоғ этти саҳрони,
Бу ҳомун бирла тоғ эрдик, бўлмиш тоғ ила ҳомун [1,4,456].*

Чинакам шеър ана шундай фавқулудда ташбеҳларию хайратомуз муболағалари билан ўқувчини ўзига тортади.

“Хазойин ул-маоний”нинг ҳар бир девонида “субҳ” радифли бир ғазал мавжуд. Нодира ҳам “субҳ” радифли ғазал ёзган, лекин вазн ва радифи айнан бўлса-да, қофия тизими бошқа. Табиийки, мавзу ҳам ўзига оҳорли тарзда ёритилади, янги ва кутилмаган тимсолу ташбеҳлар силсиласини кўрамиз.

Шу билан бирга, Нодира Навоийнинг “айлаб”, “айлагач”, “хам” радифли ғазалларига иккитадан татаббу қилади.

Навоий ғазалларига татаббу қилиш, тахмислар боғлашдан ташқари, Нодира буюк салафи услубида қатор шеър ва байтлар ижод қилган, уларда устозининг у ёки бу фикрини давом эттирган, ташбеҳларининг янги қирраларини очган, тасвирларини янги чизгилар билан бойитган. Жумладан, Навоийнинг:

*Бўлмиш андоқ мунқатеъ аҳли замондин улфатим –
Ким, ўзум бирла чиқишимас ҳам замоне суҳбатим [1,1,393], –*

байти билан бошланадиган ғазали таъсирида:

*Муддатедурким, жаҳон аҳлига йўқтур улфатим,
Балки ўзлукдин малул этмиш мени ўз суҳбатим [3,243], –*

матласи билан бошланадиган ғазал битади.

Бу дунёдан вафо излаб овора бўлмаки, ҳаёт бўстони бундай гулни кўрган эмас мазмунидаги байтлар Навоий ижодида кўп учраши маълум. Нодиранинг “Эй дил, вафо рангию муҳаббат гиёҳидан умид қилмаки, дунё бўстони бу рангу бўйни ҳали ҳеч кишига кўрсатган эмас” мазмунидаги:

*Вафо ранги, муҳаббат накҳатин кўз тутмагил, эй дил,
Бу рангу бўй кўргузмас кишига даҳр бўстони [3,299], –*

байти Навоийнинг “Муруват рангию инсоф исини элдан тама қилмаки, бу олам гулистонида бундай рангу бўйлик гул йўқ” мазмунидаги қуйидаги мисралари таъсирида яратилгани шубҳасиз:

*Муруват рангию инсоф иси кўз тутмагил элдин,
Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда [1,2,532].*

Нодиранинг форсий девонидаги мана бу матла ҳам айни фикрларга ҳамоҳанг жаранглайди:

*3-ин чаман гайр аз гули озор ҳаргиз барнахост,
Як гули роҳат дар ин гулзор ҳаргиз барнахост [4,14].*

“(Дунё отлиғ) бу чаманда озор гулидан бошқаси сира унмади, “(Дунё отлиғ) бу гулзор роҳат гулини ҳеч қачон кўрган эмас”.

Шарқ шоирлари наздида маъшуқа шунчалик гўзалки, унинг юзини бир кўрган киши жонсиз суратга айланади. Шунинг учун ҳам мумтоз шеърятда ёрнинг беқиёс ҳусни олдида ошиқнинг “сурати девор”, “нақши девор”га айлангани тасвири кенг тус олган. Ҳатто таърифига сўз ожиз чирой соҳибасининг суратини чизмоқчи бўлган мусаввирнинг ўзи сурат бўлиб қолади. Маъшуқанинг кўрку жамолда тенгсиз эканлигию энг моҳир мусаввирнинг ҳам унинг суратини чизишга ожизлиги ҳақидаги байтлар Алишер Навоий ижодида ҳам кўп учрайди. Шоирнинг бу мавзудаги шоҳбайти мана бу:

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб нақши девор айладинг наққошни [1,2,599].*

“Чин (Хитой)лик мусаввир суратингни чизиш учун келган эди, лекин юзингни очишинг билан унинг ўзи деворга чизилган суратга ўхшаб қотиб қолди”.

Нодира эса “Дийдорингни бир кўриш ҳасратида еб-ичишни йиғиштириб кўйганим туфайли деворга чизилган сурат каби бўлиб қолганман”, – деб муболаға қилиш орқали бу мавзудаги тасвирлар силсиласини янги чизги билан бойитади:

*Сурати девор каби бўлмишам,
Ҳасрати дийдор ила беҳўрду хоб [3,56].*

Шоиранинг форсий девонидаги “Сенинг ёдинг кимнинг мажруҳ дилидан жой олса, агар унда Чин сурати нақш этилган бўлса ҳам, хижолатдан юзини деворга ўгиради” мазмунидаги мана бу матла ҳам айни мавзудаги ташбеҳлар силсиласига бир ҳалқа бўлиб қўшилиши шубҳасиз:

*Ҳар киро ёди ту жо дар дили афгор кунад,
Гар бувад сурат Чин, рўй ба девор кунад [4,26].*

Маълумки, Навоий ижодида синган сопол (эски сафол, кўҳна сафол, сафол) тимсоли кўп учрайди. Қадаҳ маъносидаги ушбу ибора Амир Хусравда ҳам, Биноийда ҳам, бошқа кўплаб мумтоз сўз санъаткорлари ижодида ҳам учрайди. Кўпинча илоҳий ишқ майидан маст харобот риндлари аҳволини англатиб келадиган бу ирфоний истилоҳни “кўп ва хўб” қўллаш орқали Навоий унинг

маъно доираларини кенгайтиради. Шоир ғазалларида у синиқ кўнгил; дардли кўнгил; илоҳий ишқдан бохабар кўнгил; фақр; қадах, жом тимсоли бўлиб келади. Бу истилоҳ воситасида у илоҳий ишқдан бехабар ва бохабар кишиларни ўзаро зид қўйиб тасвирлайди. Жамшид жомига қарши қўйилгани, гоҳи ҳатто ундан устун саналгани билан охир-оқибатда синган сафол ҳам Жамшид жомига айланади. Жумладан, Нодира ҳам қуйидаги байтида майхона риндининг синиқ сафолини Жамшид жомидан устун қўяди:

*Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо, синуқ сафолинг [3,133].*

Жамшид – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У “Жоми жаҳоннамо” – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадахи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамас эмиш. Чунончи, Навоий ёзади:

*Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичкан гадо [1,1,22].*

Қуюн – Навоий ғазалиётидаги энг кенг қўлланган тимсоллардан. Шоир бу дунёни – сахро, ўзини эса унда чарх уриб юрган қуюнга ўхшатади.

*Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолайи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур [1,1,731].*

Ўз навбатида, ошиқ аҳлининг ҳам ватани – сахро, ҳамроҳи – қуюн. Умуман, олганда, қуюш – унинг ижодида ниҳоятда кенг маъно ташийдиган, жуда кўп нарса-ҳодисаларнинг рамзи бўлиб келади. Бу тимсолни Навоийдан кейинги ўзбек мумтоз шоирларининг кўпчилигида кўрамыз. Жумладан Нодирада ҳам.

*Жунун даштини саргардонидурмен,
Рафиқим ушбу водийда қуюн бас [3,177].*

Нодиранинг “Ёрнинг итлари бўйнидаги расан жон ипининг танобидир, отининг оёғига эса бағир қонини ҳино қилур” мазмунидани:

*Риштаи жон танобидур итлари бўйнида расан,
Раҳми аёғига бағир қони била ҳино қилур [3,135], –*

мисралари ҳам Навоийнинг машҳур “Учқур отининг туёғига бағир қонидин ҳино боғлаб, итинга ғамдан адо қилган жон риштасини арқон қил”, – маъносидаги:

*Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итинга ғамзада жон риштасин расан қилгил [1,1,376], –*

байтининг бошқача кўринишдаги талқинидир.

Дунёни қоралаш, танқид қилиш – мумтоз адабиётда асосий ўрин тутди. Бу диний-тасаввуфий қарашлар билан боғлиқ. Унга кўра, дунёга ортиқча меҳр кўйиш инсонни Ҳақ йўлдан оздиради, Парвардигоридан бегоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади; паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса қадди букчайган, тишлари тўкилган қари кампирга қиёсланади; талабгорларини сеҳру жоду билан тузоққа тушириб, ўз йўриғига юргизадиган, хоҳлаган кўйига соладиган жодугар, алвасти, зол, ажуза қиёфаларида тасвирланади. Шундан дунё золи, дунё аруси (келини) деган образ Шарқ адабиётида кенг тарқалган ва у Навоий ижодида ҳам кўп учрайди. Мумтоз шеърятда дунё минг ошиқли маъшуқа сифатида ҳам талқин қилинади. Барча ёмонлик, ёлғон, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Алишер Навоий бошқа бир ғазалида дунёни исломдаги ҳар тўртала мазҳаб билан уч талоқ кўйганлигини айтган эди:

*Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени [1,1,635].*

Бу ерда даҳр – дунё, зол – қария (чол ёки кампир) дегани. Фалак золи ҳам айни шу маънода қўлланади. Чунончи, Навоий “Фалак отлиғ кўпни кўрган жодугарнинг меҳрибонлигига учиб чув тушмаки, бу айёра кампирнинг макру ҳийласи беҳадду ҳисобдир”, – деб киноя қилади:

*Гарммехр ўлган ила золи фалак, топма фириб –
Ким, бу айёранинг асру кўп эрур макру фани [1,3,592].*

Нодиранинг мана бу байти Навоийнинг айни руҳ ва мазмундаги байтларига ҳамоҳанг жаранглайди:

*Золи фалакни, эй кўнгул, макридин айлагил ҳазар,
Йўқса сени фириб ила домига мубтало қилур [1,136].*

Кўнгилнинг ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуф таълимотига кўра Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади. Шунинг учун ҳам Навоий ёзадики: “Кимки бир синиқ кўнгилни шод қилса, у худди бузилган Каъбани обод қилгандай бўлади”.

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай [1,3,636].*

Нодира ҳам “Агар Каъбани таъмирлашни ният қилган бўлсанг, ундан кўра вайрона кўнгилларни обод қилиб қўя қолмайсанми?” – дея буюк салафига жўровозлик қилади:

*Гар эрса Каъба таъмири муродинг,
Кўнгул вайронасини қилгил обод [3,122].*

Алишер Навоийнинг “Бу олам уйини афсус-надомат билан тарк этмай десанг, камол касб эт, чунки камолотга эришмай дунёдан ўтиш ҳаммомга кириб покланмай чиқишга ўхшайди” мазмунидаги машҳур қитъаси бор. Чунки бу дунёда яшашдан мақсад хулқни гўзаллаштириш, кўнгил поклаш, руҳни юксалтириш, маърифатли бўлиш, комилликка эришишдан иборат. Ўзига юкланган бу вазифани адо этмаган киши дунёга беҳуда келиб-кетгандай гап. Бу ҳол худди покланиш мақсадида ҳаммомга бориб, ундан покланмай чиқишга ўхшайди:

*Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.*

*Жаҳондин нотаом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ [1,1,710].*

Қуйидаги байтида Нодира жаҳоннинг ўзини муаззам бир ҳаммомга нисбат бериб, “Бу дунё ҳаммомига кирганлар оқибат ё покланиб чиқади, ё булғаниб” дея, бу фикрни очиқ айтади:

*Жаҳон ҳаммомига кирганлар охир,
Мутаҳҳар чиққусидур ё мулаввас [3,94].*

Нодиранинг “Қайси базму зиёфатда асалу шакар яладингики, икки лабинг бир-бирига ёпишиб қолибди?” мазмунидаги:

*Не маҳфилда шаҳду шакар ёладинг –
Ки, бирбирга часпондурур икки лаб [3,59], –*

байти ҳам Навоийнинг:

*Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёнушмишлар магар ул икки лаб [1,2,50], –*

байтини эсга солади.

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таълил санъатининг бетакрор намунаси. Маълумки, бу санъат воситасида келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмаса-да, у ўзининг бадий гўзаллиги билан кишида завқ уйғотади, эътиборни тортади. Чунончи, келтирилган байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки “гўзал ёлғон”, лекин ушбу ташбеҳ ўзининг бадий гўзаллиги, нозиклиги, оҳорлилиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Одатда, таъсир бевосита ва билвосита бўлади. Жумладан, Нодиранинг:

*Қаронгудур кўзумга ҳажр шоми, тийрадур айшим,
Фалак туфрога пинҳон айлади моҳи тамомимни [3,297], –*

байтининг яратилишида Навоийнинг:

Ёшунган эмиш қаро булутқа моҳим,

Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим.

Кирмиш қора туфроққа қуёшдек шоҳим,

Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим [1,1,739], –

рубойисининг бевосита бўлмаса-да, билвосита таъсирини сезиш қийин эмас.

Суюкли умр йўлдошидан эрта айрилган Нодира фарёд солиб: “Ҳижрон кечаси кўзимга зулмат бўлиб кўринади. Айшим қайғу билан ўрин алмашди. Чунки фалак менинг тўлин ойимни тупроқ қаърига яширди”, – деса, Навоий: “Ойим қора булутга яширинган эмиш, шунинг учун ҳам мен бир оҳ билан фалакни яксон қилишни хоҳлайман. Қуёшдек шоҳим қора тупроққа кирган экан, нега энди оҳим қуёшни қора қилмасин?” – деб фиғон чекади.

Бу рубой Навоий томонидан ҳам бирор ҳаётий йўқотиш туфайли ёзилганлиги кўриниб турибди.

Туркий ва форсий девонлари тадқиқи Нодиранинг ҳар икки тилдаги ижоди ҳам Навоийнинг илҳомбахш таъсиридан холи эмаслигини кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, шоиранинг деярли ҳар бир шеърида улуғ салафининг у ёки бу даражадаги таъсири излари кўзга ташланиб туради. Навоий асарларининг Нодира шеърларига таъсирини шоиранинг фақатгина буюк сўз санъаткори ғазалларига татаббу ва мухаммаслари ёки навоиёна шеър у байтлари қиёси мисолида текширишнинг ўзи кифоя эмас, бу таъсир излари ва қирраларини Навоийнинг умумижоди миқёсида текшириш керак бўлади. Чунки Нодира ижодида Навоий адабий меросининг бир бутун таъсирини кузатамиз.

Агарда Амирий Нодирага шеърият алифбосини ўргатган бўлса, Навоий унга маҳорат сабоғини бериб, ижоднинг катта йўлига олиб чиқди дейишимиз мумкин. Навоий Амирийнинг ҳам севган шоирларидан бўлиб, у буюк салафининг кўплаб ғазалларига татаббу қилиб, 24 та ғазалига тахмис боғлаган. Бинобарин, Навоий мероси Амирий ижоди учун ҳам ўзига таъсир манбаи ва маҳорат мактаби бўлган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Навоийнинг Нодира ижодига таъсири иккиёқлама бўлган: бевосита ва билвосита, яъни ўзи ва Амирий орқали. Чунки илк сабоқни Амирийдан олган Нодира бир умр севимли ёрининг девонларини қўлидан қўймаган, айти пайтда Навоий асарлари мутолаасини ҳам қанда қилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, X жилдлик. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: “Шарқ”, 2002.

3. Нодира-Комила. Девон (Нашрга тайёрловчи М.Қодирова). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001.
4. Нодира. Сад барги ғазал (Мураттиб: Иброҳим Наққош). – Душанбе: “Ирфон”, 2014.
5. Қодирова М. Нодира \ \ Ўзбек адабиёти тарихи, V жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1978.

